

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

РЎЗИЕВ ИКРОМ ЭРҒАШЕВИЧ

**УНУМДОРЛИГИ ПАСТ, СУҒОРИЛАДИГАН БЎЗ ТУПРОҚЛАРДАН
УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ ОМИЛЛАРИ**

06.01.01 – Умумий деҳқончилик. Пахтачилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

.Тошкент – 2018

**Қишлоқ хўжалик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of the abstract of (PhD)doctoral dissertation of
agricultural sciences**

Рўзиев Икром Эргашевич

Унумдорлиги паст, суғориладиган бўз тупроқлардан унумли фойдаланиш
омиллари..... 5

Рузиев Икром Эргашевич

Факторы рационального использования низкоплодородных орошаемых
серозёмных почв..... 21

Ruziyev Ikrom ErgashevichProducing the element of agrotechnic high a
Factors of efficient use of low-productive irrigated sierozem soils 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 44

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

РЎЗИЕВ ИКРОМ ЭРГАШЕВИЧ

**УНУМДОРЛИГИ ПАСТ, СУҒОРИЛАДИГАН БЎЗ ТУПРОҚЛАРДАН
УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ ОМИЛЛАРИ**

06.01.01 – Умумий дехқончилик. Пахтачилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Qx146 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон қишлоқ хўжалик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.cottonagro.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz) манзилига жойлаштирилган.

- Илмий раҳбар:** **Мирзажонов Қирғизбой Мирзажонович,**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, академик
- Расмий оппонентлар:** **Ўразматов Назир,**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим
- Иминов Абдували Абдуманнобович,**
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим
- Етакчи ташкилот:** Самарқанд қишлоқ хўжалик институти

Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Qx.42.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Оққовоқ ҚФЙ, ЎзПТИТИ кўчаси ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 142-22-35; факс: (99871) 150-62-37; e-mail: g.selek@agro.uz).

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Оққовоқ ҚФЙ, ЎзПТИТИ кўчаси ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 142-22-35; факс: (99871) 150-62-37).

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Ж.Тешаев,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
қ.х.ф.д., профессор.

Ф.М.Хасанова,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, қ.х.ф.н., катта илмий ходим.

Ж.Х.Ахмедов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё бўйича қишлоқ хўжалигида тупроқ унумдорлигини сақловчи янги ресурстежамкор технологияларни кенг жорий этиш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш борасида экинлардан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда ёнилғи-мойлаш материалларини ва бошқа харажатларни тежаш ҳисобига маҳсулот етиштириш таннархини камайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан мунтазам таъминлаш мақсадида, тупроқ унумдорлигини сақловчи ва экинлар ҳосилдорлигини оширувчи инновацион технологиялар АҚШда 19,3 млн., Бразилияда 17,4 млн., Ҳиндистонда 14,8 млн., Хитойда 12,3 млн., Мексикада 10 млн., Австралияда 3,5 млн., Покистонда 3,7 млн. гектар, дунё бўйича жами 80 млн. гектардан ортиқ майдонларда жорий этилмоқда¹.

Дунёдаги ғўза етиштириладиган мамлакатларда, жумладан Ҳиндистонда ғўзани маккажўхори, оқ жўхори, кунжут, қалампир, кореандра, шунингдек, дуккакли-дон экинлари билан қўшиб экиш, Хитойда ғўзани буғдой, шоли ёки рапс каби экинлар билан ҳамкорликда экиб ҳосил етиштириш, Бразилия ва Перуда ғўзани маккажўхори, ловия ва шоли билан ҳамкорликда экиш, Миср Араб Республикасида ғўзани маккажўхори билан ҳамкорликда ўстириш самарали бўлиши аниқланган. Шу нуқтаи назардан ғўза экиладиган майдонларни қисқартирмаган ҳолда, ғўзани бошқа экинлар билан эгат оралатиб ҳамкор экиш орқали бир майдоннинг ўзида пахта ва унга қўшимча дуккакли-дон, сабзаёт ва бошқа экинлар ҳосилини етиштириш бўйича изланишларни амалга ошириш долзарб ҳисобланади.

Республикамизда экинларни алмашлаб экиш тизимларини яратишда органик ва минерал ўғитлардан фойдаланиш, NPK нисбатлари, уларни қўллаш муддатлари, экинни суғориш, шўр ювиш, минераллашган сизот сувларидан экинларни суғоришда фойдаланиш, тупроқни асосий, экиш олдидан ва вегетация даврида қатор орасига ишлаш муаммоларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида қисқа ротацияли деҳқончилик тизимини яратишга эришилмоқда. Ғўза экин майдонларини қисқартирмаган ҳолда ғўза қатор ораларига илдизмевали, сабзаёт ва дуккакли-дон экинларини ҳамкор усулда экиб, ғўзага бериладиган минерал ўғитлар, сув ва бошқа табиий ресурслардан янада самарали фойдаланиш ҳисобига қўшимча ҳосил етиштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш талаб этилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида “...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш” муҳим вазифалардан бири қилиб белгилаб берилган.

¹<http://www.embrapa.br><http://www.icc.or.>, <http://www.link.springer>,
<http://www.usda.gov>, <http://www.dpi.nsw.dov.au/research> <http://www.indianjournals>,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “2017–2021 йилларда республикада соя экини экишни ва соя дони етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2832-сон қарори, 2017 йил 15 сентябрдаги “2018 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалик экинларини оқилона жойлаштириш чора-тадбирлари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмлари тўғрисида”ги ПҚ-3281-сон қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқотлари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Турли экинларни ҳамкор экиш ва қисқа ротацияли алмашлаб экиш тизимларини яратиш бўйича М.Муҳаммаджонов, Қ.Мирзажонов, З.Турсунхўжаев, М.Юсуфжонов, Б.Холиқов, О.Рустамов, С.Сулаймонов, И.Ҳошимов, Ф. Исмайлов, П.Хусайнов, П.Бодров, М.Сорокин, Х.Романов, А.Рахимов, П.Макаров, Ж.Икромов, Н.Андреев ва бошқалар ҳамда хорижда А.А.Носшу, Н.М.Мahammad, S.B.Patil, M.N.Sheelaavanter, Siegel, Гупта Судхир, Тер-Аванесян, М.Н. Johnson, V.N.Aiyer, Balasubrahmanyam, Кристидис, Гаррисон, L.Dolozal, Ф.Н.Лисяцкий, И.Белюченко, А.А.Сташов ва бошқа олимлар томонидан бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган. Лекин, бу изланишлар асосан ем-ҳашак экинларини ҳамкор экиб ҳосил етиштиришга бағишланган бўлиб, ғўзани турли экинлар билан ҳамкор экиш бўйича тадқиқотлар деярли олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон қишлоқ хўжалик институтининг «Ўзбекистоннинг турли тупроқ-иқлим шароитида пахта мажмуидаги янги зироатлар юритилган алмашлаб экиш тизимларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги (1993–1995 йй.) ҳамда «Бир майдондан бир йилда 2–3 хил қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш усулларини ишлаб чиқиш» (2011–2015 йй.) мавзуларидаги илмий-тадқиқот ишлари ва лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Андижон вилоятининг ирригация эрозиясига учраган, унумдорлиги паст, суғориладиган бўз тупроқлар шароитида ғўза билан эгат оралатиб ҳамкор экилганда юқори ҳосил ва иқтисодий самара берадиган экинларни танлаш, етиштириш ва экинларни ҳамкор экишнинг тупроқ хоссаларига таъсирини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Андижон вилоятининг унумдорлиги паст, суғориладиган бўз тупроқлари шароитида илдизмевали, сабзаёт ва дуккакли дон экинлари билан эгат оралатиб ҳамкор экилган ғўза ва ҳамкор экинлар уруғининг униб чиқишини ўрганиш;

экинларни ҳамкор экишнинг тупроқдаги озиқа моддалари миқдорига таъсирини аниқлаш;

экинларни ҳамкор экишнинг тупроқнинг агрокимёвий, агрофизикавий хоссалари ва агрегатли ҳолатига таъсирини ўрганиш;

экинларни ҳамкор экишнинг ғўза ва ҳамкор экинларнинг ўсиб-ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш;

экинларни ҳамкор экишнинг қуруқ модданинг тўпланишига таъсирини аниқлаш;

ғўзани бошқа экинлар билан эгат оралатиб ҳамкор экишнинг самарадорлигини аниқлаш;

ғўза ва ҳамкор экинлар экилган қаторлар ўрнини келгуси йилда алмаштириб экиш ҳисобига қисқа ротацияли алмашлаб экиш тизимини қўллаш тартибини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида қадимдан суғориладиган оч тусли бўз ва ўтлоқи бўз тупроқлар, ғўзанинг С-6524, ерёнғоқнинг “Перзуван– 46/2”, соянинг “Ўзбек– 2”, қанд лавлагининг “Сахарная– 5” ва булғор қалампирининг “Зумрад” навлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети ғўза ва ҳамкор экинлар уруғининг униб чиқиши, экинларнинг ўсиб - ривожланиши, ҳосилдорлиги, кўсакларнинг очилиши, толанинг технологик кўрсаткичлари, ҳамкор экилганда тупроқ агрокимёвий ва агрофизик хоссаларининг ўзгариши, тупроқ унумдорлиги ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар дала ва лабораториялар шароитида «Методика проведения опытов с хлопчатником», «Методы агрохимических анализов почв и растений», «Методы агрофизических исследований», «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» асосларида бажарилиб, маълумотларнинг статистик таҳлили Microsoft (R) QuickBasic 4.00 дастури ёрдамида Б.А. Доспеховнинг «Методы статистический анализ полевого опыта» услуби бўйича амалга оширилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор янги деҳқончилик тизимида ирригация эрозиясига учраган, унумдорлиги паст, суғориладиган бўз тупроқлар шароитида ғўза билан эгат оралатиб ҳамкор экилганда ҳосилдорликни оширадиган ва юқори самарадорликни таъминлайдиган, шу билан бирга тупроқ унумдорлигини яхшилайдиган мақбул экин турлари аниқланган;

ғўзани бошқа экинлар билан ҳамкор экишнинг тупроқнинг агрокимёвий ва агрофизикавий хоссаларига таъсири аниқланган;

ғўзани ерёнғоқ, соя ва бошқа экинлар билан ҳамкор экилганда қўлланилган минерал ўғитлар, сув ва бошқа табиий омиллардан фойдаланиш самарадорлигининг ошиши исботланган;

ғўзани бошқа экинлар билан ҳамкор экишнинг кўсакларни очилиши, бир дона кўсакдаги пахта вазни, пахта ҳосили, биринчи терим салмоғи ҳамда толанинг сифат кўрсаткичларига таъсири аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Андижон вилоятининг унумдорлиги паст, суғориладиган бўз тупроқлар шароитида ғўзани ерёнғоқ ва соя каби дуккакли-дон экинлари билан эгат оралатиб ҳамкор экилганда тупроқ

таркибидаги чиринди миқдори 0,02– 0,03%га, умумий азот миқдори 0,04 %га, нитрат азоти миқдори 2,8– 3,3 мг/кг.га, тупроқдаги макроагрегатлар миқдори 0,7– 1,4 %га, тупроқнинг ғоваклиги 1,2– 1,4 %га ортиши исботланган;

ғўза ерёнғоқ билан эгат оралатиб ҳамкор экилганда гектаридан 28,3 центнер пахта ва унга қўшимча 17,1 центнер ерёнғоқ ҳосили, ғўза қанд лавлаги билан ҳамкор экилганда гектаридан 27,2 центнер пахта ва унга қўшимча 419,8 центнер қанд лавлаги илдизмава ҳосили олинган (назорат вариантыда ғўза якка ўзи парваришланиб, фақат 29,9 ц/га пахта ҳосили олинган). Пировардида ғўза ерёнғоқ билан ҳамкор экилганда соф даромад назоратга нисбатан 3 299,0 минг сўм/га. га, рентабеллик 102,4 фоизга, ғўза қанд лавлаги билан ҳамкор экилганда эса соф даромад 391,8 минг сўм/га.га, рентабеллик 6,4 фоизга ошганлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг дала ва лаборатория усулларида фойдаланган ҳолда вариацион-статистик ишловдан ўтказилганлиги ҳамда олинган назарий натижаларни амалий маълумотларда тасдиқланганлиги, тажриба натижалари республика ва чет эл тадқиқотлари билан таққосланганлиги, тўпланган маълумотлар ҳисоботлар шаклида Илмий кенгашда муҳокамадан ўтганлиги, мутахассислар томонидан ижобий баҳоланганлиги ва тадқиқот натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, тадқиқот натижаларининг Республика ва халқаро илмий анжуманларда муҳокама қилинганлиги натижаларининг ишончлилигини асослайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Андижон вилоятининг унумдорлиги паст, суғориладиган бўз тупроқлари шароитида бир майдонда ғўзани ерёнғоқ, қанд лавлаги, соя ва булғор қалампири билан ҳамкор экиш орқали тупроқ хоссаларининг яхшиланганлиги аниқланиб, ғўза ва ҳамкор экинлар экилган қаторлар ўрнини келгуси йилда алмаштириб экиш ҳисобига қисқа ротацияли алмашлаб экиш тизимини ўзига хос янги усулда жорий қилиш илк бор илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ғўзани қанд лавлаги ва ерёнғоқ экинлари билан эгат оралатиб ҳамкор экиш мумкинлиги ҳамда улар ҳамкор экилганда гектаридан 22,1 центнер пахта ва 236,5 центнер қанд лавлаги илдизмава ҳосили ёки 24,0 центнер пахта ва 16,7 центнер ерёнғоқ ҳосили олинди, экинларни ҳамкор экиш ҳисобига соф даромад гектарига 1,851 – 4,616 млн. сўми, рентабеллик 49,3 – 141,6 % ни ташкил этганлиги (ғўза алоҳида экилган назорат вариантыда пахта ҳосилдорлиги 35,2 – 36,4 ц/га. ни ташкил этиб, соф даромад гектарига 1,32-1,46 млн. сўми, рентабеллик 39,2-42,9 %ни ташкил этган) билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Андижон вилоятининг ирригация эрозиясига учраган, унумдорлиги паст, суғориладиган бўз тупроқлари шароитида ғўзани бошқа экинлар билан эгат оралатиб ҳамкор экиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

экинларни ҳамкор экиш бўйича “Унумдорлиги паст ерлардан унумли фойдаланиш омиллари” тавсияномаси ишлаб чиқилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан 2017 йил 17 апрелда 05/03-02-532-рақам билан рўйхатдан ўтказилган). Мазкур тавсиянома Андижон вилояти фермер хўжаликларида ғўза экиладиган майдонларда пахтага кўшимча ҳамкор экинлар ҳосилини етиштиришда қўлланма сифатида хизмат қилган;

ғўза билан ҳамкор экиш учун мақбул экин турларини етиштириш технологияси Андижон вилояти, Олтинқўл туманидаги фермер хўжаликларида жами 99 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 8 январдаги 07/20-19-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида фермер хўжаликларида иқтисодий самарадорлик ўртача 10-15 фоизга, рентабеллик даражаси 18-20 фоизга ошишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий мақолалар чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда эълон қилинган ҳамда 1 та монография ва 1 та тавсиянома нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазибалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган. Изланишларнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги ва апробацияда ижобий баҳоланганлиги, нашр этилган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Экинларни ҳамкор экиш бўйича олиб борилган маҳаллий ва хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи”** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Шунингдек, тадқиқотлар мақсадидан келиб чиқиб, экинларни ҳамкор экишнинг аҳамияти, ҳамкор экишнинг тупроқ агрофизикавий ва агрохимёвий хоссаларига, экинларнинг ўсиб-ривожланишига, гектаридан олинадиган ялпи ҳосил салмоғига ва ҳосилнинг сифат кўрсаткичларига, гектаридан олинадиган даромад салмоғига таъсири борасида юртимиз ва хорижлик олимлар томонидан олиб борилган тадқиқот натижалари таҳлил қилинган. Адабиётлар шарҳининг сўнгги саҳифасида ғўзани қанд лавлаги, ерёнғоқ, булғор қалампери, ва соя экинлари билан эгат оралатиб ҳамкор ўстириш ва ҳосил етиштиришнинг илмий-амалий

асосларини ишлаб чиқиш пахтачиликда долзарб масалалардан бири эканлиги ҳулоса қилинган.

Диссертациянинг **“Тажриба ўтказиш шароитлари, таркиби ва услублари”** деб номланган иккинчи бобида тажриба ўтказилган минтақанинг географик ўрни, тадқиқотлар ўтказилган ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитлари ва тадқиқот ўтказиш услублари, тажрибада экилган навлар тавсифи, шунингдек, тадқиқотда қўлланилган агротехника тадбирлари келтирилган.

Андижон вилоятининг иқлими кескин континентал, яъни ёзда ҳаво қуруқ ва жуда иссиқ, қишда эса совуқ бўлади. Вилоятда қуёшли кунлар 200– 215 кунни ташкил этиб, бир йиллик ёғин миқдори 220– 230 мм атрофида, аммо унинг 60 фоизи қиш ва эрта баҳорда ёғади. Бу минтақа иқлимининг яна бир хусусияти шундаки, ёққан ёғинларнинг кўп қисми тезда буғланиб кетади ва ҳавонинг нисбий намлиги ёз кунлари 30– 35 %гача тушади. Шунинг учун тупроқ юзаси ёз кунлари жуда қуруқ бўлиб, ҳаво ҳарорати баъзан 40°C ва ундан ҳам юқори бўлади. Чигитнинг униб чиқиши учун тупроқ ҳарорати (+10°C дан юқори) вилоятда 20 март – 1 апрелда бошланади.

Тажриба даласининг тупроғи азалдан суғориладиган, ирригация эрозиясига учраган, унумдорлиги паст, оч тусли бўз тупроқдир. Бу тупроқлар асосан денгиз сатҳидан 200– 400м баландликда пайдо бўлиб, қуруқ ва иссиқ бўз тупроқлар минтақасида жойлашган. Оч тусли бўз тупроқларда чиринди (гумус) миқдори кўп эмас: ҳайдов қатламида 1,2– 1,7 %, пастида эса кескин камайиб кетиши кузатилади. Умумий азот, фосфор ва калий миқдори тегишлича 0,02– 0,16 %, 0,13– 0,15 % ва 1,6– 1,87 % ни ташкил этиши қайд этилган.

Диссертация иши бўйича 1993– 1995 йилларда дала тажрибалари Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти(собиқ Пахтачилик илмий-тадқиқот институти)нинг Андижон филиали тажриба даласида ва ишлаб чиқариш тажрибалари 2014– 2016 йилларда Олтинкўл туманидаги “Сафаробод баракаси” ҳамда Андижон туманидаги “Бакиров ёғдуси” фермер хўжаликларида ўтказилган. Дала тажрибалари 1-жадвалда кўрсатилган тизимда амалга оширилган. Тажриба 5 та вариантдан иборат бўлиб, 3 та қайтариқда такрорланган. Вариантлар бир ярусда жойлашган, битта пайкал (делянка)нинг майдони 480 м²ни ташкил этиши баён қилинган.

Дала тажрибалари ПСУЕАИТИда қабул қилинган “Методы проведения опытов с хлопчатником” (Ташкент, 1983), агрохимёвий хоссаларини таҳлил қилиш “Методы агрохимических анализов почв и растений” (Ташкент, 1977), тупроқнинг агрофизикавий хоссаларини таҳлил қилиш “Методы агрофизических исследований” (Ташкент, 1973), “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (Ташкент, 2007) қўлланмалари асосида олиб борилган. Агрохимёвий таҳлилларни олиб боришда тажриба даласида конверт шаклида 1 – 1,5 метргача тупроқ кесмалари (разрез) қазилиб, генетик горизонтлардан тупроқ намуналари олинганлиги ва тупроқдаги гумус миқдори И.В.Тюрин, азот ва фосфорнинг умумий миқдорлари А.Ф.Гриценко, И.М.Мальцева ўзгартириши билан, нитрат азоти миқдори Грандвальд-Ляжу, ҳаракатчан фосфор миқдори

Б.П.Мачигин усулида аниқланлиги, тупроқнинг ҳажм массаси (С.Н.Рижов) цилиндр усулида, структураси И.В.Саввинов усулида аниқланганлиги баён этилган.

1- жадвал

Тажриба тизими

| Вариант | Экинлар тури | Экиш схемаси | Назарий кўчат қалинлиги, минг/га |
|---------|------------------------|----------------------|----------------------------------|
| 1 | Вўза | 60x20-1 | 83,3 |
| 2 | Вўза+ қанд лавлаги | 120x10-1 120x15-1 | 83,3 55,6 |
| 3 | Вўза+ булғор қалампири | 120x10-1 120x20-1 | 83,3 41,7 |
| 4 | Вўза+ ерёнғоқ | 120x10-1 120x10-1 | 83,3 83,3 |
| 5 | Вўза+ соя | 120x10-1 120x10-1 | 83,3 83,3 |


Эслатма: Тажрибанинг 1-вариантида ғўза одатдаги 60x20x-1 тартибда экилган, 2–5-вариантларда ғўза 120x10-1 тартибда экилиб, унинг қатор ораларига ҳамкор экинлар экилган, яъни ғўза ва ҳамкор экин қаторлари ораси 60 см ни ташкил қилади.

Тажрибада шунингдек, ўсимликларнинг ўсиб-ривожланиши бўйича фенологик кузатишлар ҳамда ҳисоб китоблар олиб борилган. Тажрибада ўрганилган экинлар навларининг морфобиологик тавсифлари баён этилган.

Тажрибада барча агротехника тадбирлари хўжалик учун жорий этилган тавсиялар асосида ўтказилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот натижалари”** деб номланган учинчи бобда экинларни эгат оралатиб ҳамкор экишнинг тупроқ агрокимёвий ва агрофизикавий хоссаларига таъсири, ғўза алоҳида ва бошқа экинлар билан ҳамкор экилганда экинларнинг ўсиб-ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири баён қилинган. Шунингдек, тажрибаларнинг мақбул вариантлари бўйича ишлаб чиқариш тажрибаларининг натижалари ва тажрибаларининг иқтисодий самарадорлиги бўйича олинган маълумотлар келтирилган.

Экинларни эгат оралатиб ҳамкор экишнинг тупроқ агрокимёвий хоссаларига таъсири. Ўтказилган уч йиллик тажриба натижалари ғўза фақат дуккакли экинлар билан ҳамкорликда экилганда гумус миқдорининг ортишини, қолган шароитларда камайишини кўрсатди. Аммо, тадқиқот олиб бориш майдонида тупроқдаги чиринди миқдорининг ортиши ёки маълум миқдорда камайиши турли вариантларда ҳар хил бўлди. Масалан, ғўза айрим ҳолда экилган назорат вариантда тупроқ ҳайдалма қатламидаги чиринди миқдори 0,022 %, ҳайдов ости қатламида эса 0,021 %га камайиши аниқланган. Вўза булғор қалампири билан эгат оралатиб экилганда эса бу кўрсаткичлар ҳайдалма қатламда 0,016 %, ҳайдалма ости қатламида 0,017 %га камайган (1-расм).



1-расм. Экинларни ҳамкор экишнинг 0-30 см.ли қатламдаги тупроқ гумус миқдорининг ўзгаришига таъсири.

Тажрибада, ғўза алоҳида, одатдагидек экилган шароитда умумий азот миқдори уч йил мобайнида ҳайдалма қатламда 0,005 %га, ҳайдалма ости қатламида эса 0,009 %га камайди. 3 йиллик тажриба давомида тупроқдаги умумий азот миқдорининг кескин камайиши айниқса ғўза қанд лавлаги билан ҳамкор экилган 2-вариантда қайд этилиб, умумий азот миқдори 0,016-0,019 % камайди. Ғўза булғор қалампири билан биргаликда экилганда эса тупроқдаги умумий азот миқдорининг камайиши бор йўғи 0,003– 0,005 % ни ташкил этди.

Ғўза дуккакли дон экинлари-ерёнғоқ ва соя билан ҳамкорликда экилганда аксинча тупроқдаги умумий азот миқдорининг кўпайиши кузатилди. Масалан, ғўза ерёнғоқ билан ҳамкорликда экилган 4-вариантда тупроқдаги умумий азот миқдори 0,002-0,003 %га, ғўза соя билан бирга экилганда эса 0,001-0,002 % га ортган.

Олинган маълумотларга кўра, ғўза алоҳида ҳамда бошқа экинлар билан ҳамкорликда экилганда тупроқдаги умумий фосфор миқдори камайди. Тажрибанинг биринчи йили тупроқдаги умумий фосфор миқдори ҳайдалма қатламида 0,142 %, ҳайдалма ости қатламида 0,125 % бўлган бўлса, якунловчи йили бу кўрсаткич назорат вариантыда 0,128– 0,113 %ни ташкил этди, яъни умумий фосфор миқдори ҳайдалма қатламида 0,014 %, ҳайдалма ости қатламида 0,012 % га камайди.

Тупроқдаги умумий фосфор миқдорининг камайиши ғўза қанд лавлаги билан ҳамкорликда экилганда сезиларли бўлиб, камайиш ҳайдалма қатламда 0,018– 0,023 %, ҳайдалма ости қатламида 0,018– 0,020 % ни ташкил этди. Ғўза булғор қалампири билан ҳамкорликда экилганда умумий фосфор миқдорининг камайиши 0,007– 0,008 % ни ташкил этди.

Ғўза дуккакли дон экинлари– ерёнғоқ ва соя билан ҳамкорликда экилганда эса бу кўрсаткичлар мос равишда 0,013– 0,015 % ва 0,015– 0,016 % ни ташкил этди.

Азот ва фосфор тўғрисидаги маълумотлар шундан дарак берадики, умуман йил бўйи тажриба даласи тупроқларида азот режими паст даражада бўлган. Бу ҳолатни яхшилашга ерёнғоқ ва соя кўмаклашган. Тажриба даласи тупроқлари

фосфор билан ўртача таъминланган. Бу элементларнинг тупроқдаги нисбатини яхшилаш ва янада юқорироқ ҳосил олиш учун фосфорли ўғитлар қўллаш меъёрини биров ошириш керак. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ғўза билан ерёнғоқ, соя ва қанд лавлаги экинларини эгат оралатиб ҳамкор экилганда берилган ўғит кўпроқ ўзлаштирилади, бу ўз навбатида атроф-муҳитни агрохимикатлар билан ифлосланишдан сақлайди ва ўғитлар самарадорлиги ортади.

Экинларни эгат оралатиб ҳамкор экишнинг тупроқ агрофизикавий хоссаларига таъсири. Изланишларда ғўза турли экинлар билан эгат оралатиб ҳамкор экилганда, уларнинг тупроқ агрофизик хоссаларига таъсири бир хил эмаслиги қай этилган. Ғўза алоҳида экилганда тупроқнинг ҳайдов қатламидаги солиштирма массаси уч йил мобайнида $2,66 \text{ г/см}^3$ дан $2,70 \text{ г/см}^3$ га ортди. Ҳайдов ости қатламида бу кўрсаткичлар $2,66\text{--}2,68 \text{ г/см}^3$ ни ташкил этди. Ғўза қанд лавлаги билан эгат оралатиб ҳамкорликда ўстирилганда эса тупроқнинг солиштирма массаси ҳайдов қатламда $0,02 \text{ г/см}^3$, ҳайдов ости қатламда $0,17 \text{ г/см}^3$ га ортганлиги аниқланган.

Ғўза дуккакли экинлар – ерёнғоқ ва соя билан ҳамкорликда ўстирилганда тажриба давомида тупроқ солиштирма массаси камайиши кузатилди. Масалан, ғўза ерёнғоқ билан эгат оралатиб ўстирилганда тупроқнинг ҳайдов қатламидаги солиштирма массаси деярли ўзгармади, ҳайдов ости қатламида эса $2,69 \text{ г/см}^3$ дан $2,65 \text{ г/см}^3$ га, яъни $0,04 \text{ г/см}^3$ га камайди.

Ғўза алоҳида экилганда тупроқнинг ҳайдов қатламидаги ҳажмий массаси 1993 йил баҳор ва кузда $1,31\text{--}1,35 \text{ г/см}^3$ бўлган бўлса, 1995 йилда $1,32\text{--}1,38 \text{ г/см}^3$ ни ташкил қилди, яъни $0,01\text{--}0,03 \text{ г/см}^3$ га ортди. Ғўза қанд лавлаги билан эгат оралатиб ҳамкор экилганда эса $0,02\text{--}0,04 \text{ г/см}^3$ га ортди. Ғўза дуккакли экинлар– ерёнғоқ ва соя билан ҳамкорликда экилганда тупроқнинг зичлиги сезиларли даражада яхшиланди. Масалан, ғўза ерёнғоқ билан ҳамкорликда экилган 4- вариантда мавсум бошидаги тупроқнинг ҳажм массаси ҳайдов қатламда уч йиллик тажриба давомида $1,31 \text{ г/см}^3$ дан $1,28 \text{ г/см}^3$ га, ҳайдов ости қатламида эса $1,36 \text{ г/см}^3$ дан $1,35 \text{ г/см}^3$ га ўзгарди. Мавсум охиридаги тупроқнинг ҳажм массаси эса тадқиқот мобайнида $1,38\text{--}1,44 \text{ г/см}^3$ дан $1,35\text{--}1,43 \text{ г/см}^3$ га ўзгарди.


Ўтказилган тадқиқот натижалари тупроқнинг ғоваклиги мавсум бошида юқори бўлиши ва мавсум охирига бориб пасайишини кўрсатди. Шунингдек, ҳайдов қатлами тупроғининг ғоваклиги, ҳайдов ости қатламига нисбатан 2– 4 % юқори бўлди.

Ғўза алоҳида экилганда тупроқ ҳайдов ва ҳайдов ости қатламининг ғоваклиги деярли ўзгармади. Ғўза қанд лавлаги билан ҳамкорликда ўстирилганда тупроқнинг ғоваклиги уч йил мобайнида ҳайдов қатламда 2,3% га, ҳайдов ости қатламида эса 3,2% га, яъни 50,4– 48,0 % дан, 48,1– 44,8 % га камайди.

Ғўза дуккакли дон экинлари билан ҳамкорликда экилганда тупроқ унумдорлигининг яхшиланиши унинг ғоваклигини ҳам ортишига олиб келди. Масалан, ғўза ерёнғоқ билан ҳамкорликда экилганда тупроқнинг мавсум

бошидаги ғоваклиги ҳайдов қатламда 51,6 % дан 52,2 % га ўзгарди, яъни 0,6 % га ортди. Ҳайдов ости қатламида эса фарқ деярли бўлмади. Ғўза соя билан биргаликда экилганда ҳайдов қатлам ғоваклиги 51,6 % дан 52,0 % га, ҳайдов ости қатламидаги ғоваклик эса 46,9% дан 47,8 % га, яъни 0,4 – 0,9 % га ортиши кузатилди.

Шунингдек, ғўзани бошқа экинлар билан эгат оралатиб ҳамкор экиш ва тупроқ ғоваклигининг ўзгариши орасида юқори даражада корреляцион боғлиқлик борлиги аниқланиб, бунда $r=0,822$ га тенглиги исботланган (2-расм).



2-расм. Экинларни эгат оралатиб ҳамкор экишнинг тупроқ ғоваклигига таъсири ҳамда улар орасидаги корреляцион боғлиқлик

Ўтказилган тадқиқотлар турли экинлар тупроқнинг макроструктурасига турлича таъсир этишини кўрсатди. Тажрибада ғўза алоҳида экилган назорат вариантда тупроқдаги 0,25 мм. дан йирик бўлган сувга чидамли агрегатлар миқдори уч йил мобайнида ҳайдалма қатламда 1,1 %, ҳайдалма ости қатламида эса 0,9 % камайиши кузатилди. Ғўза қанд лавлаги билан эгат оралатиб ҳамкор экилганда бу кўрсаткичлар мос равишда 2,8 ва 2,5 % ни ташкил этди. Ғўза булғор қалампири билан ҳамкор экилганда тупроқнинг ҳайдалма ва ҳайдалма ости қатламидаги макроагрегатлар миқдори деярли камаймади, фарқ 0,3– 0,4% атрофида бўлди.


Тажрибада макроагрегатлар миқдорининг ортиши фақат 4 ва 5-вариантларда, яъни ғўза дукакли-дон экинлари билан эгат оралатиб экилган тажрибада кузатилди. Ғўза ерёнғоқ билан ҳамкор экилганда, сувга чидамли агрегатларнинг миқдори ҳайдалма қатламда 1,4 %, ҳайдалма ости қатламида 1,5 % га ортиши кузатилди. Ғўза соя билан ҳамкор экилганда бу ўзгариш мос равишда 0,7 ва 0,5 % ни ташкил этди.

Экинларнинг ўсиб - ривожланиши ва ҳосилдорлиги. Изланишларда олинган уч йиллик маълумотларнинг ўртача натижалари шуни кўрсатдики, ғўза турли экинлар билан эгат оралатиб парваришланганда экинларнинг, айниқса ғўзанинг ўсиб-ривожланиши учун шароит ҳар хил бўлди. Ғўзанинг шоналаш


фазасида вариантлар ўртасида маълум фарқлар сезилди. Ҳосил шохлари сони бўйича устунлик назорат вариантда (4,3 дона) қайд этилди. Бу даврда нисбатан паст кўрсаткичлар, яъни 4,0 дона ҳосил шох ва 2,4 дона шона миқдори ғўза қанд лавлаги билан эгат оралатиб экилган 2-вариантда кузатилди. Ғўза ерёнғоқ билан эгат оралатиб экилганда ҳосил шохи 4,2 донани, шоналар миқдори эса 2,9 донани ташкил этганлиги аниқланган.

Тажрибанинг охириги йили, яъни 1995 йилнинг июль ойида ҳар иккала сифат кўрсаткичлари бўйича энг юқори кўрсаткичлар ғўза соф ҳолда экилган назорат вариантда қайд этилди. Назорат вариантда ҳосил шохлар 7,9, ҳосил элементлари эса 11,8 дона бўлди, бу ўрганилаётган вариантларга нисбатан 0,1–0,4 ва 0,3–2,4 донага ортиқдир.

Тажрибанинг биринчи йилида сентябр ойида кўсақлар сони назорат вариантда энг юқори (10,9 дона) бўлди. Шунингдек, ғўза булғор қалампири ва ерёнғоқ билан ҳамкор экилган вариантларда назоратга нисбатан энг кам фарқ (0,9 ва 1,1 дона) қайд этилди. Кўсақларнинг пишиб очилиш ҳам тажриба вариантларида ҳар хил бўлди. Очилган кўсақлар сони бўйича энг юқори кўрсаткич – 4,3 дона, ғўза булғор қалампири ва ерёнғоқ билан эгат оралатиб экилган шароитда кузатилди. Ғўза алоҳида парваришланган назорат вариантыда ва соя билан ҳамкор экилган 5-вариантда бу кўрсаткич бўйича энг паст натижалар қайд этилиб, 2,1 ва 3,3 донани ташкил этди. Бу ҳолат ушбу вариантларда экинларнинг бир-бирига соя солиши бошқа вариантлардагидан кўпроқ бўлганлиги билан изоҳланган.



3-расм. Ғўза ва бошқа экинларни ҳамкор экишнинг умумий қуруқ маҳсулот салмоғига таъсири, т/га.



4-расм. Ғўза алоҳида ва ҳамкор экилганда 1 кг NPK ҳисобига тўпланган умумий қуруқ модданинг миқдори, т/га.

Тажрибада қуруқ модда тўпланиши бўйича энг паст кўрсаткичлар назорат вариантда қайд этилди. Ғўза алоҳида экилганда гектар ҳисобига жами 10,55 тонна қуруқ модда тўпланиб, шундан 2,99 тоннасини пахта ҳосили ташкил этди. Қуруқ модда тўпланиши бўйича энг юқори натижа ғўза қанд лавлаги билан эгат оралатиб экилган шароитда қайд этилди. Бунда гектар ҳисобига 44,94 тонна қуруқ маҳсулот тўпланиб, унинг 28,32 тоннаси ҳосил органида (шу жумладан 2,72 т пахта) тўпланган (3-расм).

Ғўза алоҳида экилганда 1 кг NPK ҳисобига тўпланган қуруқ модда 19,2 кг. ни ташкил этди. Ғўза қанд лавлаги билан эгат оралатиб экилганда 1 кг NPK

озиқа модда ҳисобига 81,7 кг куруқ маҳсулот етиштирилди. Ғўза булғор қалампири, ерёнғоқ ва соя билан бирга экилганда бир қилограмм *NPК* ҳисобига етиштирилган куруқ маҳсулот мос равишда 27,6; 29,9 ва 28,5 кг. ни ташкил этган (4-расм).

Бир дона кўсакдаги пахтанинг вазни бўйича энг юқори кўрсаткичлар ғўза ерёнғоқ билан ҳамкор экилган 4-вариантда кузатилиб, бир дона кўсакдаги пахтанинг ўртача вазни биринчи теримда– 5,4 г, иккинчи теримда– 5,3 г ва учинчи теримда– 5,2 г ни ташкил этди. Энг паст кўрсаткич эса ғўза соя билан ҳамкор экилган вариантда кузатилиб, бу кўрсаткичлар мос равишда 5,2; 5,0 ва 4,8 г. га тенг бўлди. Ғўза соя билан экилганда, ҳамкор экин ғўзага нисбатан тез ўсиб, унга соя солиш ҳоллари кузатилди. Бу эса ўз набатида кўсакларнинг майдалашишига ва кўсакдаги пахта вазнининг камайишига олиб келганлиги ҳақида ҳулоса қилинган.

Тажрибалар кўрсатдики, ғўзани бошқа экинлар билан эгат оралатиб экилиши унинг ривожланишини тезлатиш билан бирга толанинг сифатига ҳам ижобий таъсир этди. Тажрибада тола узунлиги бўйича 3-ҳосил шохиди вариантлар бўйича энг юқори (31,4– 32,2 мм) кўрсаткичлар ғўза булғор қалампири ва ерёнғоқ билан ҳамкор экилган вариантларда қайд этилиб, бу назоратга нисбатан 0,4– 1,6 мм юқоридир. Ўрганилаётган вариантлар ичида бир оз паст кўрсаткичлар (31,2 ва 31,3 мм) ғўза қанд лавлаги ва соя билан эгат оралатиб экилган шароитда қайд этилди. Фақат ғўза булғор қалампири ва ерёнғоқ билан ҳамкор экилганда барча терим ҳосили биринчи нав талабига жавоб берди. Ғўза алоҳида экилганда, уни қанд лавлаги ва соя билан қатор оралатиб экилганда фақат биринчи терим ҳосили биринчи нав талабига жавоб берди.

Ҳамкор экинларнинг ўсиб-ривожланиши ўрганилганда, қандлавлаги илдизмевасидаги шакар миқдори бўйича нисбатан юқори кўрсаткичлар 1994–1995 йилларда қайд этилди. Тажрибанинг биринчи йили илдизмевадаги шакар миқдори 18,4% бўлган бўлса, кейинги йилларда бу кўрсаткич 18,7 ва 19,1 % га етди. Бир гектар ҳисобига тўғри келадиган шакар миқдори 1993 йилда 79,3 ц, 1994 йилда 78,6 ц ва 1995 йилда 77,9 ц. ни ташкил этган.

Ғўза булғор қалампири билан ҳамкор экилган 3-вариантда булғор қалампирининг бўйи тажриба йилларида 45,6– 47,8 см бўлиб, ҳосил шохи 15,4– 16,1 дона, битта ўсимликдаги мева 22,3– 25,5 донани, бир дона булғор қалампирининг оғирлиги 40,3– 42,0 г ни ташкил этган.

Ғўза ерёнғоқ билан ҳамкор экилган 4-вариантда тажрибанинг 1; 2 ва 3-йилларида ерёнғоқ ўсимлигининг бўйи 15,2; 16,0 ва 16,5 см, шохининг узунлиги йиллар бўйича 33,2; 34,1 ва 36,0 см, битта ўсимликдаги туганак сони 16,4; 17,0 ва 19,2 донани ҳамда 1000 дона ерёнғоқ мағзининг оғирлиги 311,6; 317,0 ва 321,4 граммни ташкил этган.

Ғўза соя билан ҳамкор экилган 5-вариантда эса йиллар бўйича соя ўсимлигининг бўйи 78,4; 82,1 ва 83,5 см, битта ўсимликдаги дуккаклар сони 86,2; 102,7 ва 110,3 донани ҳамда 1000 дона соя донининг оғирлиги 136,4; 139,0 ва 140,8 граммни ташкил этган. Олинган натижалар ғўза ерёнғоқ ва соя

экинлари билан ҳамкор экилганда, ушбу ҳамкор экинларнинг ўсиб-ривожланиши тажриба давомида йилдан йилга яхшиланиб борганлигини кўрсатди. Бу ҳолат ғўза дуккакли-дон экинлари билан ҳамкор экилганда тупроқ унумдорлигининг йилдан йилга яхшиланиб борганлиги билан изоҳланган.

Экинлар ҳосилдорлиги таҳлил қилинганда, ғўза ҳосилдорлиги бўйича ғўзани бошқа экинлар билан бирга экилганда назоратга нисбатан катта фарқ кузатилмаган.

2-жадвал


Экинларни ҳамкор экишнинг экинлар ҳосилдорлигига таъсири, ц/га

| Вариант | Экинлар тури | Экилиш тартиби | 1993 йил | 1994 йил | 1995 йил | 3 йиллик ўртача |
|---------|-------------------------|-------------------------|---------------|---------------|---------------|-----------------|
| 1. | Ғўза | 60x20-1 | 27,2 | 30,1 | 32,3 | 29,9 |
| 2. | Ғўза + қанд лавлаги | 120x10-1 120x15-1 | 26,5 431,3 | 27,4 420,4 | 27,6 407,8 | 27,2 419,8 |
| 3. | Ғўза + булғор қалампири | 120x10-1 120x20-1 | 26,6 70,3 | 28,0 74,8 | 28,1 76,9 | 27,6 74,0 |
| 4. | Ғўза + ерёнғоқ | 120x10-1 120x10-1 | 26,8 16,4 | 27,8 16,6 | 30,2 18,4 | 28,3 17,1 |
| 5. | Ғўза + соя | 120x10-1 120x10-1 | 24,8 21,2 | 25,2 23,8 | 25,8 24,0 | 24,9 23,1 |
| | | НСР ₀₅ =ц/га | 0,28 | 0,64 | 0,56 | |
| | | НСР ₀₅ =% | 1,05 | 2,32 | 1,93 | |

Уч йиллик тажриба маълумотларига кўра, ғўза якка ўзи парваришланганда гектаридан 29,9 центнер пахта ҳосили олинди, ғўза қанд лавлаги билан ҳамкор экилган 2-вариантда 22,7 центнер пахта ва унга кўшимча 419,8 центнер қанд лавлаги илдизмева ҳосили олинган. Ғўза булғор қалампири билан ҳамкор экилган вариантда 27,6 центнер пахта ва 74,0 центнер булғор қалампири ҳосили, ерёнғоқ билан ҳамкор экилганда 28,3 центнер пахта ва 17,1 центнер ерёнғоқ ҳосили ҳамда соя билан ҳамкор экилганда 24,9 центнер пахта ва унга кўшимча 23,1 центнер соя дон ҳосили олинган(2-жадвал).

Йиллар бўйича таҳлил қилинганда, қанд лавлаги ҳосилдорлиги камайиб борганлиги кузатилди (431,3; 420,4; 407,8 ц/га). Бунда қанд лавлаги экиннинг ғўза билан бир майдонда қайта-қайта ҳамкор экилиши ҳосилдорликнинг камайишига олиб келганлиги аниқланган. Ғўза дуккакли дон экинлари – соя ва ерёнғоқ билан ҳамкор экилганда эса экинлар ҳосилдорлиги тажриба йилларида ортиб борганлиги кузатилди (1993 – 1995 йилларда ғўзада – 26,8; 27,8; 30,2 ц/га, сояда – 21,2; 23,8; 24,0, ерёнғоқда – 16,4; 16,6; 18,4 ц/га). Бу ҳолат дуккакли экинларнинг тупроқ унумдорлигини яхшилаши билан изоҳланган.

Шунингдек, бир дона кўсакдаги пахта ва 1000 дона чигит вазни орасида ўрта даражадан юқори корреляцион боғлиқлик борлиги аниқланиб, корреляция коэффициенти $r=0,710$ га тенглиги исботланган(5-расм).



5-расм. Ѓўза ва бошқа экинлар ҳамкор экилганда бир дона кўсакдаги пахта ва 1000 дона чигит вази орасидаги корреляцион боғлиқлик

Тадқиқотларда олинган энг яхши натижаларни ишлаб чиқариш шароитида синаш мақсадида 2014–2016 йилларда Андижон вилояти Олтинқўл тумани “Сафаробод баракаси” фермер хўжалиги шароитида 3 та вариантдан иборат ишлаб чиқариш тажрибалари ўтказилди. Бунда тажрибанинг 1-вариантида ғўза одатдаги усулда алоҳида экилди, 2-вариантда қанд лавлаги алоҳида экилди ва 3-вариантда ғўза ва қанд лавлаги эгат оралатиб ҳамкор экилди. Ѓўза алоҳида экилганда 30,2–38,4 ц/га пахта ҳосили, қанд лавлаги алоҳида экилганда 474,6–510,8 ц/га илдиз мева ҳосили олинди. Ѓўза қанд лавлаги билан эгат оралатиб ҳамкор экилганда эса 21,3–22,2 ц/га пахта ҳамда 228,0–247,2 ц/га қанд лавлаги илдиз мева ҳосили етиштирилди.

Қанд лавлаги алоҳида экилганда қандлилик кўрсаткичи 18,6–19,4 % ни ташкил этган бўлса, ғўза билан ҳамкор экилганда қандлилик 19,1–20,1 % га тенг бўлди.

Ѓўза алоҳида экилганда пахта ҳосили гектаридан ўртача 37,8 центнерни ташкил этиб, гектаридан 1 459 29,5 сўм соф даромад олинди ва рентабеллик 42,9 фоизни ташкил этди. Ѓўза қанд лавлаги билан ҳамкор экилганда соф даромад 1 851 710,0 сўм/га ва рентабеллик 49,3 фоизга баробар бўлди.

Иккинчи ишлаб чиқариш тажрибалари Андижон тумани “Бакиров ёғдуси” фермер хўжалиги шароитида ўтказилиб, экинларни эгат оралатиб ҳамкор экишнинг аҳамияти, шунингдек, ғўза билан ерёнғоқ экинлари ҳамкор экилган вариантда ҳам кузатилди. Ѓўза алоҳида экилганда жами пахта ҳосили 35,2–36,4 ц/га га тенг бўлди. Ѓўза ерёнғоқ билан ҳамкор экилганда жами 22,4–25,7 ц/га пахта ҳосили, 16,3–16,9 ц/га ерёнғоқ дони ва 84,4–89,33 ц/га тўйимли пичан ҳосили олинди.

Ѓўзани ўзи якка экилганда жами харажат 3361693 сўм, жами даромад 4679141,6 сўм, соф даромад 1317448,6 сўм ва рентабеллик 39,2 фоиз бўлиб, ғўза ерёнғоқ билан ҳамкор экилганда иқтисодий кўрсаткичлар мос равишда 3260261 сўм, 7876753,1 сўм, 4616492,1 сўм ва 141,6 фоизга баробар бўлди.

Ғўза лавлаги билан ҳамкор қилиб экилганда ғўзанинг ўзини якка экилгандагига нисбатан 391780,5 сўм, ерёнғоқ билан ҳамкор экилганда 3299043,5 сўм қўшимча даромад олинди.

ХУЛОСАЛАР

1. Ўтказилган тадқиқотлар турли экинлар тупроқнинг агрофизик хассаларига турлича таъсир этишини кўрсатди. Ғўза қанд лавлаги билан ҳамкорликда экилганда тупроқдаги сувга чидамли агрегатлар миқдори 1,7 – 2,8 фоизга камайган бўлса, ғўза ерёнғоқ билан ҳамкорликда экилганда уларнинг миқдори 1,3 – 1,4 фоизга ортганлиги аниқланди.

2. Ғўза алоҳида ва қанд лавлаги билан ҳамкорликда экилган шароитда тупроқнинг ҳайдалма қатламидаги зичлиги 0,01 – 0,03 г/см³ ва 0,03 – 0,07 г/см³ га ортди. Ғўза дуккакли экинлар-ерёнғоқ ва соя билан ҳамкорликда экилганда тупроқнинг зичлиги 0,02 – 0,03 г/см³ га камайиб, ўсимликнинг ўсиб-ривожланишига қулайлик туғдириши кузатилди.

3. Тупроқ ғоваклигининг ортиши (0,3 – 0,7 %) фақат ғўза дуккакли дон экинлари – соя ва ерёнғоқ билан бирга экилган вариантларда қайд этилди. Ғўза қанд лавлаги билан ҳамкор экилганда эса аксинча ғоваклик 2,3 – 3,2 % га камайиши кузатилди.

4. Тажрибада тупроқ таркибидаги чиринди миқдори фақат ғўза соя ва ерёнғоқ билан ҳамкорликда экилган шароитда (0,009 – 0,012%) ортди. Ғўза қанд лавлаги билан ҳамкор экилган 2-вариантда эса чиринди миқдори 0,031 % камайди.

5. Тупроқдаги умумий азот миқдорининг ортиши фақат ғўза дуккакли дон экинлари билан ҳамкорликда экилган вариантларда (0,002 – 0,003 %) қайд этилди. Қолган барча вариантларда умумий азот миқдорининг камайиши кузатилди. Тупроқдаги умумий фосфорнинг камайиши олинган биологик ҳосилнинг салмоғига боғлиқ бўлиб, экинларнинг биологик ҳосилдорлиги юқори бўлса фосфор миқдорининг камайиши ҳам шунча сезиларли бўлиши аниқланди.

6. Тупроқ таркибидаги нитратлар миқдори бўйича нисбатан юқори кўрсаткичлар ғўза дуккакли дон экинлари билан ҳамкор экилган вариантларда кузатилди. Бу вариантларда вегетация даврининг охирида нитратларнинг тупроқ ҳайдалма қатламидаги миқдори ўртача 7,1 ва 7,5 мг/кг. ни ташкил этиб, назорат вариантдагига нисбатан 0,9– 1,3 мг/кг юқори бўлди.

7. Тупроқдаги ҳаракатчан фосфор миқдори бўйича нисбатан юқори кўрсаткичлар ғўза соя билан экилган вариантда қайд этилди. Тажрибанинг охирги йилида бу вариантда унинг миқдори мавсумлар бўйича 40 мг/кг, 34 мг/кг, 43 мг/кг ва 24 мг/кг. га тенг бўлди. Назорат вариантда эса бу кўрсаткичлар мос равишда 38 мг/кг, 33 мг/кг, 40 мг/кг ва 18 мг/кг. ни ташкил этди.

8. Ғўза алоҳида экилганда асосий поя жадал ўсиб, юқори биологик масса тўшлади, аммо биологик массанинг салмоқли (71,7%) қисмини вегетатив масса ташкил этди. Ғўза бошқа экинлар билан эгат оралатиб экилганда умумий биологик массанинг 42-63 % ини генератив масса ташкил этди.

9. Ғўза ерёнғоқ билан эгат оралатиб экилганда бир дона кўсакдаги пахтанинг вазни 0,2 г. га, 1000 дона чигитнинг оғирлиги 3,3 г. га ошди.

10. Ғўзани бошқа экинлар билан ҳамкор экиш, унинг куёш энергияси ва хаво ҳароратидан самарали фойдаланишини таъминлади. Бу эса ривожланиш фазасининг ўтиш муддатини тезлаштирди ва кўсаклар 10-12 кун эрта пишиб, очилди.

11. Ғўзанинг бошқа экинлар билан (қанд лавлагидан ташқари) эгат оралатиб ҳамкор экилиши унинг ривожланишини тезлатиш билан бирга толанинг сифатига ҳам ижобий таъсир этади. Ғўза булғор қалампири ва ерёнғоқ билан ҳамкор экилганда барча ҳосил биринчи нав талабига жавоб берди.

12. Ишлаб чиқариш шароитида ғўза қанд лавлаги билан ҳамкор экилганда гектаридан 22,1 центнер пахтага кўшимча 236,5 центнер қанд лавлаги илдизмева ҳосили, ерёнғоқ билан ҳамкор экилганда гектаридан 24,0 центнер пахтага кўшимча 16,7 центнер ерёнғоқ ҳосили ва 89,1 центнер пичан ҳосили олишга эришилди.

13. Ғўзани қанд лавлаги билан ҳамкор экилганда соф даромад гектаридан 1 851,0 минг сўмни, рентабеллик даражаси 49,3 % ни, ерёнғоқ билан ҳамкор экилганда эса соф даромад гектаридан 4 616,5 минг сўмни, рентабеллик 141,6 % ни ташкил этди.

14. Андижон вилоятининг ирригация эрозиясига учраган, унумдорлиги паст, суғориладиган бўз тупроқлари шароитида бир майдонда икки хил экинлардан юқори, сифатли, эртапишар ва рентабелли ҳосил етиштириш, ҳамда тупроқ унумдорлигини сақлаш мақсадида эгат оралатиб ғўзани **120x10-1**, қанд лавлагини **120x15-1** тартибда ҳамда ғўза ва ерёнғоқни **120x10-1** тартибда ҳамкор экиш тавсия этилади. Олинган натижалардан қишлоқ хўжалиги олий ўқув юртлари Агрономия факультети талабалари учун дарслик ва ўқув қўлланмалари тайёрлашда ҳамда шу йўналишда илмий ишларни давом эттиришда фойдаланиш мумкин.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Qx.42.01. ПРИ НАУЧНО-
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ СЕЛЕКЦИИ,
СЕМЕНОВОДСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ ХЛОПКА**

АНДИЖАНСКИЙ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫЙ ИНСТИТУТ

РУЗИЕВ ИКРОМ ЭРГАШЕВИЧ

**ФАКТОРЫ РАЦИОНАЛЬНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ
НИЗКОПЛОДОРОДНЫХ ОРОШАЕМЫХ СЕРОЗЁМНЫХ ПОЧВ**

06.01.01 - Общее земледелие. Хлопководство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.3.PhD/Qx146.

Докторская диссертация выполнена в Андижанском сельскохозяйственном институте (АндСХИ).

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресам www.cottonagro.uz и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziynet.uz.

Научный руководитель: **Мирзажонов Киргизбой Мирзажонович**
доктор сельскохозяйственных наук, академик

Официальные оппоненты: **Уразматов Назир**
доктор сельскохозяйственных наук, с.н.с.

Иминов Абдували Абдуманнобович
кандидат сельскохозяйственных наук, с.н.с.

Ведущая организация: Самаркандский сельскохозяйственный институт

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Qx.42.01. по присуждению ученых степеней при Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка по адресу: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Аккавак, ул. УзПИТИ, Тел.: (+99895) 142-22-35; факс: (99871) 150-61-34; e-mail: g.selek@agro.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (зарегистрирована № _____). Адрес: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Аккавак, ул. УзПИТИ Тел.: (+99895) 142-22-35; факс: (99871) 150-61-34; e-mail: g.selek@qsv.uz

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года.
(реестр протокола рассылки № ____ от «__» _____ 2018 года.)

Ш.Ж.Тешаев,
Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.с.х.н., профессор.

Ф.М.Хасанова,
Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, к.с.х.н., старший научный сотрудник .

Ж.Х.Ахмедов,
Председатель научного семинара по присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии PhD)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время во всем мире особое внимание уделяется широкому внедрению новых ресурсосберегающих технологий для сохранения плодородия почв в сельском хозяйстве, снижению себестоимости выращиваемой продукции за счет экономии горюче-смазочных материалов и снижению прочих затрат с целью получения больших и высококачественных урожаев сельскохозяйственных культур для удовлетворения потребностей населения в продуктах питания. Инновационные технологии, способствующие повышению продуктивности плодородия почв и урожайности сельскохозяйственных культур для бесперебойного обеспечения населения продуктами питания, применяются во всем мире на территории свыше 80 млн. га, в том числе в таких странах, как в США на площади 19,3 млн. га., Бразилии – 17,4 млн. га., Индии – 14,8 млн. га., Китае – 12,3 млн. га., Мексике – 10 млн. га., Австралии – 3,5 млн. га. и Пакистане – 3,7 млн. га. ²

Во многих хлопкосеющих странах мира совместные посевы хлопчатника с другими культурами показали высокую эффективность. Например, в Индии выращивают хлопок совместно с кукурузой, сорго, кунжутом, перцем, кориандром, а также зернобобовыми, в Китае – совместно с пшеницей, рисом или рапсом, в Бразилии и Перу – совместно с кукурузой, фасолью или рисом, в Египетской Арабской Республике – совместно с кукурузой. В этом контексте актуальной является необходимость проведения исследований по совместному выращиванию хлопка с зернобобовыми, овощами и другими культурами на одной посевной площади без сокращения площадей под хлопчатником.

При создании системы севооборота в Республике, большое внимание уделяется изучению таких вопросов, как оптимальные нормы внесения органических и минеральных удобрений на гектар площади, соотношение NPK, сроки их внесения, орошение сельскохозяйственных культур, промывки почв, использование минерализованных грунтовых вод на орошение, проведение основной обработки почв до посевов и во время вегетации. В результате этой деятельности была создана краткосрочная севооборотная система земледелия. Однако, несмотря на эти усилия, в целом не проводились научные исследования по выявлению возможности получения дополнительных урожаев сельхозкультур путем выращивания овощных и зернобобовых культур на междурядьях хлопчатника без сокращения площадей под хлопком, при котором происходило бы более эффективное использование вносимых минеральных удобрений, воды на орошение и других естественных ресурсов. В Стратегии Действий Республики Узбекистан, запланированных на период 2017-2021 гг., одной из важнейших задач определено «внедрение интенсивных методов сельскохозяйственного производства, прежде всего, современных агротехнологий водо и ресурсосбережения».

²<http://www.embrapa.br><http://www.icc.or>, <http://www.link.springer>,
<http://www.indianjournals>, <http://www.usda.gov>, <http://www.dpi.nsw.dov.au/research>

Данная диссертационная работа в значительной степени отвечает практическому выполнению задач, поставленных в Постановлении Президента Республики Узбекистан за № ПП-2832 « О мерах по увеличению выращивания сои и получению семян сои в Республике на период 2017-2021 гг.» от 14 марта 2017 г., № ПП-3281 «О мерах по рациональному размещению сельскохозяйственных культур и объемах производства сельскохозяйственной продукции на 2018 г.», а также других нормативно-правовых документов.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование проводилось в рамках приоритетных направлений развития национальной науки и техники V «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

